

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**САМАДОВ АБДУҚАХХОР АБДУРАХМОНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА НЕФРОТИК СИНДРОМДА ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИ  
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Самадов Абдукаххор Абдурахмонович**

Болаларда нефротик синдромда ошқозон-ичак  
тракти ўзгаришларининг хусусиятлари ..... 3

**Самадов Абдукаххор Абдурахмонович**

Особенности патологии желудочно-кишечного  
тракта у детей с нефротическим синдромом ..... 23

**Samadov Abdukakhhor Abdurakhmonovich**

Features of changes in the gastrointestinal tract  
in nephrotic syndrome in children ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**САМАДОВ АБДУҚАХХОР АБДУРАХМОНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА НЕФРОТИК СИНДРОМДА ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИ  
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib1417 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Бобомуратов Турдикул Акрамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рустамов Мардонкул Рустамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шамсиев Фуркат Мухиддинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04.30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, Самарқанд давлат тиббиёт университети 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази). Тел./факс: 0(366)-233-58-92, 233-79-03, e-mail:shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел/факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида болалар орасида сўнгги беш йилликда сурункали буйрак касалликлари қаторига кирувчи нефротик синдром билан касалланиш ҳолатининг кўп учраши кузатилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра «...сурункали буйрак касалликларига чалинганларнинг 90%ни 10 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади, нефротик синдром эса тахминан 50% ҳолатларда катта ёшли болаларда учрамоқда...»<sup>1</sup>. Сўнгги йилларда нефротик синдром билан хасталанган бемор болаларнинг 50% ида сурункали буйрак етишмовчилигининг 3-5 босқичлари, 10% ҳолатлар эса охирги (терминал) босқичи аниқланиши натижасида буйрак алмаштиришга муҳтожлик сезилмоқда. Шу сабабли, нефротик синдром билан хасталанган болаларда ошқозон-ичак тракти ўзгаришларини хусусиятларини ўрганиш, ушбу патологик ҳолат натижасида юзага келадиган асоратларни олдини олиш ва камайтириш учун кам инвазив усуллар ёрдамида эрта ташхислашни такомиллаштириш, тиббиётда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар қаторига киради.

Жаҳонда болаларда кузатиладиган нефротик синдромда ошқозон-ичак тракти ўзгаришларининг хусусиятларини баҳолаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада нефротик синдром билан хасталанган болаларда ошқозон-ичак трактидаги ўзгаришларнинг ретроспектив таҳлили, ошқозон-ичак трактидаги ўзгаришларни клиник ҳамда инструментал текшириш, биокимёвий таҳлил, ошқозон-ичак трактидаги ўзгаришларни иммунофермент таҳлил усулида қон зардобиди пепсиноген I, пепсиноген II ва пепсиногенлар I/II (PgI, PgII ва Pg I/II) нисбатларини аниқлаш, ошқозон-ичак тракти шикастланишларида *Helicobacter pylori*нинг патогенетик аҳамиятини ҳамда ошқозон-ичак тракти шикастланишларини кам инвазив усуллар ёрдамида эрта ташхислашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, болалар орасида сурункали касалликларни ўз вақтида ташхислаш, олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болаларда кузатиладиган нефротик синдромда ошқозон-

<sup>1</sup> Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотлари.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ичак тракти ўзгаришларининг хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ 6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ЖССТ (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти), APN (Arbeitsgemeinschaft fur Paediatric Nephrology) ва ISKDC (International study of Kidney Disease in Children) маълумотларига кўра, дунё аҳолиси орасида нефротик синдромнинг йиллик учраш даражаси ҳар 100000 нафар болага 2-7 бирламчи ҳолатда аниқланмоқда (А.А. Баранов, 2018). Болалардаги тарқалганлик даражаси 100000 нафар бола популяциясига 12-16 ҳолатни, 10 ёшгача бўлган ҳар 100000 нафарга 2-13та ҳолатда бирламчи нефротик синдром билан касалланиш кузатилади (И.А.Цыгин, О.В.Комаров ва ҳаммуал., 2017). Болалар ва ўсмирлар орасидаги нефротик синдромнинг келиб чиқиши, патогенези, клиник кечиши, касалликнинг классик белгилари яхши ўрганилган (М.С.Игнатова, 2015, А.А.Баранов, 2018) ва даволаш стандарти ишлаб чиқилган (Н.Д.Савенкова, 2015, 2017; И.А.Цыгин, О.В.Комаров ва ҳаммуал., 2017, 2018) Сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишлар таҳлилига кўра, дунёда болаларда нефротик синдромда овқат хазм қилиш трактидаги ўзгаришлар муаммосига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу муаммонинг асосий сабабларидан бири сўнгги ўн йил ичида касалликка сабаб бўлувчи хавф омилларининг йилдан-йилга ортиб бориши кузатилмоқда. (М.П.Лимаренко, 2017; Tanaka M, Nakayama J., 2017; Tsay F.W., Hsu P.I., 2018). Адабиётлар таҳлилида ошқозон ва 12 бармоқли ичак шиллиқ қаватининг шикастланишларида *Helicobacter pylori* (HP) микроб омилини ўрни Pnalfertheiner, Megraud F (2017), Osamu Toyoshima et. al. (2018) тадқиқотларида ўрганилган. Бироқ, глюкокортикоид дори воситаларини қабул қилувчи ва қабул қилмайдиган болаларда кузатиладиган нефротик синдромда *Helicobacter pylori*нинг ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватларига патогенетик таъсири ўрганилмаган.

Ўзбекистонда олиб борилган қатор тадқиқотларда болаларда учрайдиган нефротик синдромнинг келиб чиқиш сабаблари, клиник турларининг кечиши, ташхислаш ва даволаш усуллари, глюкокортикоид даволашга эҳтиёжнинг ортиши, буйрак етишмовчилигига ўтиш сабаблари ўрганилган (Л.К.Рахмонова, 2017; Б.Т.Даминов, 2019; К.А.Хамзаев, 2019; У.Н.Каримова, 2019). Болаларда гастродуоденал соҳанинг сурункали касалликлари сабаблари, касалликка сабаб бўлувчи хавф омиллари, ривожланиши, клиник кечиши ва даволаш усуллари ўрганилган (А.Т.Камилова, 2017; Ш.Т.Турдиева, 2019). Адабиётлар таҳлилида болаларда нефротик синдромнинг тез-тез қайталанувчи кечиши ва глюкокортикоид дорилар билан даволаш натижасида стероидларга қарамлик ва токсиклиги ортиб бориши сабабли овқат ҳазм қилиш тизимида кузатиладиган ўзгаришларни ўрганиш бўйича илмий ишлар учрамади.

Шу муносабат билан ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган педиатрия, болалар нефрологияси, болалар гастроэнтерологияси ва умумий амалиёт шифокорлари амалиётида нефротик синдромли болаларда касалликнинг сурункали кечиши ва глюкокортикоидлар билан даволаш натижасида ошқозон-ичак трактида кузатилиши мумкин бўлган ўзгаришларни ўз вақтида эрта аниқлаш, ташхислашнинг энг самарали ва хавфсиз усуллари ишлаб чиқиш маҳаллий тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетганлиги тадқиқотнинг бажариш заруратини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг №01.070071 илмий-тадқиқот ишлари режаси «Болаларда буйрак ва овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари ташхиси, даволаш ва профилактикасига янгича ёндошувлар» (2018-2022 йй) мавзусига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нефротик синдром билан касалланган болаларда овқат ҳазм қилиш тизимининг клиник ва функционал ҳолатини баҳолаш ҳамда ошқозон-ичак шиллиқ қаватидаги ўзгаришларни эрта ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

нефротик синдром билан касалланган болалар ошқозон-ичак трактидаги ўзгаришларни ретроспектив текшириш асосида ўрганиш;

клиник ҳамда инструментал текширишлар асосида нефротик синдром билан хасталанган болаларнинг ошқозон-ичак трактидаги ўзгаришларни баҳолаш;

нефротик синдром билан хасталанган болалар ошқозон-ичак трактидаги ўзгаришларни биокимёвий, иммунофермент (Pgl, PglI ва Pgl/II нисбатларини) текширувлар ёрдамида аниқлаш;

нефротик синдром билан хасталанган болалар ошқозон-ичак тракти шикастланишларида *Helicobacter pylori*нинг патогенетик аҳамиятини баҳолаш;

нефротик синдром билан хасталанган болалар ошқозон-ичак тракти шикастланишларини кам инвазив усуллар ёрдамида эрта ташхислашни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** ретроспектив таҳлил учун Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли шифохонаси болалар кардионефрология бўлимида 2018-2020-йилларда даволанган, 4 ёшдан 17 ёшгача бўлган 298 нафар болалар ва проспектив текшириш учун 2020-2022-йилларда даволанган 7-17 ёшдаги 126 нафар бемор болалар киритилган.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** веноз қон, қон зардоби эзофагогастроуденоскопия текшируви натижалари ва скрининг-анкеталаш маълумотлари олинди.

**Тадқиқот усуллари** тадқиқот жарёнида ретроспектив, клиник-инструментал, биокимёвий, иммунофермент ва тиббий статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор нефротик синдром билан хасталанган болаларда стероидга сезгирлигининг мавжудлиги, тез-тез қайталанувчи шакли ва стероид гормонларга қарамлик даражасини инобатга олган ҳолатда ошқозон ичак тракти шиллик қавати ўзгаришларининг кечиш динамикасининг ўзига хослиги илмий жиҳатдан асосланган;

нефротик синдром кузатилган болаларда ошқозон-ичак трактидаги ўзгаришлар, касалликнинг кечиши, давомийлиги, оғирлик даражаси, глюкокортикостероидлар билан даволаниш давомийлиги ва *Helicobacter pylori* билан зарарланиш даражасига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор нефротик синдромга чалинган болаларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватларидаги ўзгаришлар пепсиноген I, пепсиноген II ва пепсиногенлар I/II нисбатларини таҳлил қилиш орқали исботланган;

болаларда нефротик синдромда ошқозон-ичак шиллик қаватидаги ўзгаришларни кам инвазив усуллар ёрдамида эрта ташхислаш такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нефротик синдромли болаларда овқат ҳазм қилиш тракти ўзгаришлари касалликнинг клиник кечиши, давомийлиги, оғирлик даражаси ва глюкокортикостероидлар билан даволаниш давомийлигига боғлиқлиги баҳоланган;

нефротик синдром билан хасталанган ҳамда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватларидаги ўзгаришлар кузатилган болаларда касалликнинг кечиши, оғирлик даражаси ва давомийлигига *Helicobacter pylori* нинг таъсири кўрсатилган;

нефротик синдромли болалар қон зардобида P<sub>g</sub>I, P<sub>g</sub>II ва P<sub>g</sub> I/II нисбатларини аниқлаш ва натижаларини таҳлил қилиш орқали ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватлари ҳолатини баҳолаш ва ташхислаш тартиби баҳоланган;

нефротик синдром билан касалланган болаларда овқат ҳазм қилиш трактидаги ўзгаришларни дастурий таъминот ва пепсиногенларни таҳлили натижаларига асосланиб кам инвазив усуллар ёрдамида эрта ташхислаш мезонлари самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, биокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллари асосида болаларда нефротик синдромда ошқозон-ичак тракти ўзгаришларини эрта ташхислашни кам инвазив усуллар билан такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефротик синдром билан хасталанган болаларда ошқозон-ичак тракти шикастланишларида клиник, биокимёвий, функционал-инструментал текширувлар, иммунофермент кўрсаткичлар, пепсиногенлар ишлаб чиқарилиши хусусиятларини аниқлаш ва *Helicobacter pylori*нинг патогенетик аҳамиятини баҳолаш, шунингдек ушбу касаллик асоратларининг ташхислаш усулини такомиллаштириш келажакда болаларда пешоб ажратиш ва овқат ҳазм қилиш тизими соҳасида кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказиш имкониятларини кенгайтиришга асос яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалардаги нефротик синдромда ошқозон-ичак тракти шикастланишлари, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак шиллиқ қаватларидаги ўзгаришлар, клиник, биокимёвий ва иммунофермент статуслар бузилишини ташхислаш, кўрсаткичлар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш ва асоратлар ривожланишини башоратлаш учун болаларда нефротик синдромда овқат ҳазм қилиш трактининг морфофункционал ҳолатини аниқлаш бўйича дастурий таъминотнинг ишлаб чиқилганлиги натижасида ушбу беморларда касаллик асоратларининг эрта олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалхонада даволаниш муддатини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Илмий тадқиқот натижалари 2023 йил 6 июндаги 63-сонли буйруқ билан Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли шифохонасида ва 2023 йил

26 сентябрдаги 3191-10-212-ТБ/2023-сонли буйруқ билан Тошкент туман тиббиёт бирлашмаси шифохонаси амалиётига жорий этилган.

Нефротик синдром билан хасталанган болаларда стероидга сезгирлиги мавжудлиги, тез-тез қайталанувчи шакли ва стероид гормонларга қарамлик даражасини инобатга олган ҳолатда ошқозон ичак тракти шиллик қавати ўзгаришларининг динамикасини ўзига хослигини ўрганиш касалланиш даражасини камайтириш, эрта ташхислаш ва башоратлаш сифати яхшиланган. Ушбу беморларда «Болаларда нефротик синдромда овқат ҳазм қилиш трактининг морфофункционал ҳолатини аниқлаш» бўйича дастурий таъминот ёрдамида ошқозон ичак тракти шиллик қавати ўзгаришларини эрта ташхислаш ва башоратлашни такомиллаштириш орқали, касалланиш даражаси камайтирилган ва тиббий ёрдам сифатини оширишга эришилган.

Нефротик синдром билан хасталанган болаларнинг *Helicobacter pylori* бактерияси билан зарарланишини инвазив бўлмаган ХИЛЕК –тест усулида аниқлаш ошқозон ичак трактидаги ўзгаришларни эрта ташхислаш динамик кузатиш ва асоратларини олдини олиш йўли билан саломатлик индексини яхшилаш, парhezли овқатлантириш, парвариш қилиш ва башоратлаш имконини берган, болаларнинг шифохонада даволаниш вақти минимал 3 кунга қисқариб бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган.

Нефротик синдромга чалинган болаларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватларидаги ўзгаришлар *PgI*, *PgII* ва *Pg I/II* нисбатларини таҳлил қилиш орқали исботланган. Нефротик синдром билан хасталанган болаларнинг ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватларида ўзгаришларни аниқлаш учун эзофагогастроуденоскопия усулини болаларда қўллаш мураккаблиги, асоратларининг кўплиги, болаларнинг ва ота-оналарнинг текширишга рози бўлмаслиги, малакали мутахасисларнинг камлиги ва бошқа қарши кўрсатмаларнинг бўлиши сабабли бу текшириш усулини қўллаш имконияти камроқ, шу сабабли кам инвазив усулда қон зардобидан *PgI*, *PgII* ва *PgI/PgII* проферментлари нисбатларини таҳлил қилиш орқали ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватларидаги ўзгаришларни ривожланиши эрта ташхислаш ва башоратлаш сифати яхшиланган.

Нефротик синдром билан хасталанган болаларда ошқозон-ичак шиллик қаватидаги ўзгаришларни кам инвазив усуллар ёрдамида эрта ташхислаш орқали, болаларда узоқ вақт давомида глюкокортикостероидлар билан даволаниш натижасида овқат ҳазм қилиш тракти ўзгаришларининг ривожланиши ва болаларни соғломлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган янги илмий асосланган технологияларнинг кенг миқёсда қўлланилиши орқали нефротик синдром ривожланиш хавфи ва асоратларини ташхислаш ва башоратлаш сифати яхшиланган. Болаларда нефротик синдромда ошқозон-ичак шиллик қаватидаги ўзгаришларни кам инвазив усуллар ёрдамида эрта ташхислашни такомиллаштириш натижасида оилавий поликлиникага 1 кунлик қатнов учун 60000 сўм, эзофагогастроуденоскопия текшириш

усулини, иммунофермент таҳлил усулига алмаштириш орқали, 30000 сўм, шифохонада бўлиш вақтини минимал 3 кунга қисқариши ҳисобига 390 000 сўм, жами ҳар бир нефротик синдром билан касалланган ва овқат ҳазм қилиш трактининг ўзгаришлари кузатилган болаларда 480000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

“Болаларда нефротик синдромда ошқозон-ичак тракти ўзгаришларининг хусусиятлари” мавзусидаги диссертация тадқиқоти илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2023-йил 26- сентябр 09-08374 – сонли хати юборилган (ТГА 2023 йил 23 ноябрдаги 13-сон маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 6 та мақола, улардан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда нефротик синдром ва овқат ҳазм қилиш тизими хусусиятларининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг таҳлили ўтказилиб, болаларда нефротик синдром, унинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизми, нефротик синдромда буйракдан ташқари бошқа аъзо ва тизимларда кузатиладиган ўзгаришлар, уларни ташхислаш ва замонавий даволаш тактикаси таҳлили кетирилган. Болаларда нефротик синдром тўғрисидаги сўнгги адабиётларнинг маълумотлари тизимлаштирилган. Болаларда нефротик синдромда овқат ҳазм қилиш тракти, хусусан, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватининг хусусиятларига доир адабиётлар таҳлили келтирилган, овқат ҳазм қилиш тизимида кузатилиши

мумкин бўлган ўзгаришлар ва асоратларини эрта аниқлашда текширишлар кўламини такомиллаштириш ва эрта профилактика қилишда принципиал ёндошув танланган.

Диссертациянинг «**Болаларда нефротик синдромда ошқозон-ичак тракти ўзгаришларининг хусусиятларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобда қўлланилган текшириш усуллари ва тадқиқотга жалб қилинган беморларнинг тавсифи келтирилган.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли шифохонаси болалар кардиоревматологияси ва нефрологияси бўлимида 2018-2020 йиллар давомида нефротик синдромнинг турли клиник вариантлари билан ташхисланган ва даволанган 4 ёшдан 17 ёшгача бўлган 298 нафар болаларнинг тиббий хужжатлари (касаллик тарихи) ретроспектив таҳлил қилинган, улардан 244 нафар (81,9%) ҳолатда ошқозон ичак трактида ўзгаришлар аниқланган бўлса, 54 нафар (18,1%) бемор болаларда аниқланмаган. Проспектив текширишда: 2020–2022-йиллар давомида нефротик синдром ташхиси билан даволанган 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 126 нафар болалар тадқиқотга жалб қилинган, бу бемор болаларнинг ёш бўйича 2 гуруҳга, 7-11 ёшлилар 77 нафарни (61,1%) ва 12-17 ёшлилар 49 нафар (38,9%) ни ташкил этган. Нефротик синдромнинг клиник лаборатор шакллари асосланиб 3 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ назорат гуруҳи: Стероидга сезгир нефротик синдром (ССНС) 34 нафар (26,98%), ва асосий гуруҳлар: 2-гуруҳ Тез қайталанувчи нефротик синдром (ТҚНС) 54 нафар (42,86%), 3-гуруҳ Стероидга қарам нефротик синдром (СҚНС) 38 нафар (30,16%). Гуруҳларни саралашда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) тавсиялари инобатга олинган. Клиник анамнестик текшириш учун «Болаларда нефротик синдромда овқат ҳазм қилиш трактининг морфофункционал ҳолатини аниқлаш» бўйича махсус ишлаб чиқилган дастурий таъминот асосида овқат ҳазм қилиш тизими фаолияти баҳоланиб, эҳтимолий ташхислаш амалга оширилган.

Лаборатор: умумий қон, пешоб, нажас ва қоннинг биокимёвий таҳлиллари ўтказилган.

Қон зардобида иммунофермент таҳлил (ИФТ) усулида Pgl, PgII ва Pg I/II нисбати аниқланган.

Инструментал: қорин бўшлиғи аъзоларининг ультратовуш ва эзофагогастроуденоскопия текширувлари ўтказилган.


*Helicobacter pylori* билан инфизицираниш даражаси Е.А. Корниенко ва В.Е. Милейко томонидан 1996 йилда таклиф қилинган усулда ХЕЛИК тест ёрдамида баҳоланган.

Барча олинган маълумотларни математик-статистик таҳлили Windows-XP нинг Microsoft Excel 7,0 дастури ёрдамида ўрта арифметик (М) и квадрат оғишнинг ўрта (с) кўрсаткичларни аниқлаш орқали амалга оширилди. Тақсимланиш меъёри Шапиро-Уилк мезони ёрдамида баҳоланган.

Диссертациянинг «Болаларда нефротик синдромда ошқозон-ичак трактидаги клиник ўзгаришларнинг ривожланиши» деб номланган учинчи бобида нефротик синдром билан касалланган болаларни ретроспектив таҳлилида аниқланган ошқозон ичак трактидаги ўзгаришларнинг клиник-anamnestik текшириш натижалари ёритилган.

Тадқиқотга жалб қилинган 4 ёшдан 17 ёшгача бўлган 298 нафар болаларда кузатилган диспептик шикоятларининг қиёсий таҳлили амалга оширилган. Таҳлил натижаларига кўра 298 нафар болалардан 244 нафариди (81,9±2,2%) диспептик шикоятлар ва белгилар кузатилганлиги қайд этилган.


ОИТда ўзгаришлар аниқланган 244 нафар бемор болаларнинг ёши ва жинсига кўра тақсимланиши таҳлил қилинган (1-расмга қаранг).



**1-расм. Ретроспектив таҳлилда нефротик синдромли болаларда ошқозон ичак тракти ўзгаришлар аниқланган болаларнинг ёши ва жинси бўйича тавсифи**

Олинган таҳлил натижаларига кўра диспептик шикоятлар ва белгилар болаларнинг жинси бўйича таҳлил қилинганда: қиз болаларга 82(33,6%) нафар нисбатан ўғил болаларда 162(66,4%) нафар кўп учраган.

Болаларда нефротик синдромда овқат ҳазм қилиш тизимида ўзгаришларининг келиб чиқишига таъсир қилувчи асосий хавф омилларидан бири бўлган овқатланиш характери таҳлил қилинган. Болаларда нефротик синдромда тавсия қилинган 7 парҳез столи тартибини бузилиши ҳолатлари биринчи ёш гуруҳда 33 (53,2%) нафар, иккинчи ёш гуруҳда 51 (53,7%) нафар, учинчи ёш гуруҳда 48 (55,2%) нафар болада кузатилган. Диспептик шикоятлар, жумладан қоринда оғриқ, қайт қилиш, қабзиятнинг учраши нефротик синдромнинг клиник вариантлари бўйича таҳлил қилинганда 1-гуруҳга нисбатан 2-гуруҳ ( $P<0,05$ ) ва 3-гуруҳларда ( $P<0,05$ ) сезиларли даражада кўп кузатилган (2-расмга қаранг).



2-расм. Нефротик синдромнинг клиник вариантлари бўйича диспептик шикоятларнинг (қоринда оғрик, қайт қилиш, қабзият) учраши

Кузатувимиздаги нефротик синдром билан касалланган болаларнинг ретроспектив таҳлилида 81,9% да ошқозон – ичак трактида ўзгаришлар аниқланиб, барча ёш гуруҳларида жинси бўйича ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан кўп учради. Диспептик шикоятлар қоринда оғрик, қайт қилиш ва қабзият нефротик синдром билан 6 ой ва ундан кўп вақт давомида глюкокортикостероид дорилар билан даволанган болаларда кузатилганлиги аниқланган.

Тадқиқотимизнинг иккинчи босқичида (проспектив) тадқиқотга жалб қилинган 126 нафар бемор болалар тавсифи 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

### Нефротик синдромли болаларнинг ёши ва жинси бўйича тақсимланиши

Ёши	Жинси	Гуруҳлар						Жами	
		СНС		ТҚНС		СҚНС			
		абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
7-11 ёш	ўғил	13	10,32	26	20,63	17	13,5	56	44,4
	қиз	9	7,1	5	4,0	7	5,6	21	16,7
	жами	22	17,5	31	24,6	24	19,0	77	61,1
12-17 ёш	ўғил	7	5,6	13	10,3	9	7,1	29	23,0
	қиз	5	4,0	10	7,9	5	4,0	20	15,9
	жами	12	9,5	23	18,3	14	11,1	49	38,9
<b>Жами</b>		34	27,0	54	42,9	38	30,2	126	100,0

Тадқиқот гуруҳларидаги нефротик синдромли болаларнинг клиник белгилари махсус ишлаб чиқилган «Болаларда нефротик синдромда овқат ҳазм қилиш трактининг морфофункционал ҳолатини баҳолаш» жадвали ёрдамида баҳоланган. Болаларда нефротик синдромнинг ташхислаш мезонларига киритилган асосий клиник белгилардан бири бўлган шиш синдроми таҳлилида: назорат гуруҳи СНСли болаларда шишларнинг

эрталаб ёки куннинг биринчи ярмида кузатиладиган кўз олмаси атрофидаги маҳаллий шишлар назорат гуруҳида: 34 нафардан 28 (82,3%) ҳолатда қайд этилган бўлса, асосий гуруҳларимизда ТҚНС ва СҚНС гуруҳларида тананинг юз ва қорин соҳасидаги тарқалган шишлар кўпроқ мос равишда 44 (81,5%) ва 29(76,3%) ҳолатда аниқланган, тананинг юз, бўйин, қорин, қўл – оёқлардаги тарқоқ шишлар (анасарка синдроми) 3-гуруҳ СҚНС гуруҳида 6(15,8%) нафар болада қайд этилган. Нефротик синдромли болаларнинг териси умумий кўздан кечирилганда 92% ҳолатда «бўрсимон» оқариш кузатилган. Оғрик белгиси 1–гуруҳда 15% ҳолатда аниқланган бўлса, 2- гуруҳда 70,4%, 3-гуруҳда 62,9% сезиларли даражада кўп аниқланиб, асосан эпигастрал ва пилородуоденал соҳаларда кузатилган. Олигоурия: назорат ССНСли болалар гуруҳида 56% аниқланган бўлса, асосий гуруҳлар ТҚНС ва СҚНС гуруҳларида 1,5 баробар кўпроқ, яъни 87% ҳолатда кузатилган. Диспептик белги ва шикоятларнинг таҳлили 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Нефротик синдром бўлган болаларда диспептик синдромнинг хусусиятлари


Белгилар	Нефротик синдромнинг клиник шакллари					
	ССНС, (n=34)		ТҚНС, (n=54)		СҚНС, (n=38)	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ҳаво билан кекириш	16	47,6	30	55,6	26	68,4
Овқат билан кекириш	4	11,8	11	20,4	8	21,1
Нордон кекириш	4	11,8	8	14,9	11	29,0
Қайт қилиш	30	88,2	41	75,9	28	73,7
Жиғилдон қайнаши	16	47,1	43	79,7	27	71,2
Оғиздан ёқимсиз ҳид келиши	21	61,8	48	89,9	32	84,2
Метеоризм	25	73,6	47	87,1	28	73,7
Иштаҳанинг ошиши	26	52,9	42	77,8	29	76,4

Лаборатор текширувлардан қоннинг умумий клиник таҳлилида назорат гуруҳида ССНСли болаларда гемоглобин миқдори, ўртача  $108,4 \pm 1,4$  г/л, ва 2-гуруҳ ТҚНС ва 3-гуруҳ СҚНС да меъерий қийматлардан  $87,31 \pm 1,1$  ва  $74,34 \pm 1,3$  ( $P < 0,001$ ) қисман ишончли пастлиги аниқланди. Буни тасдиқловчи кўрсаткичи бўлиб капилляр қонда эритроцитлар миқдорининг назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан таққосланганда, асосий гуруҳлар ТҚНС ва СҚНСли болалар гуруҳида сезиларли пасайганлиги-1,1 марта ( $P < 0,001$ ) билан тасдиқланган. Бу нефротик синдромли болаларда стероид дорилар билан узоқ муддат даволанган ва ошқозон ичак трактида ўзгаришлар кузатилганда турли даражадаги камқонликларни ривожланиши мумкинлиги билан изоҳланган.

Қон зардоби биокимёвий таҳлилида ССНС гуруҳида умумий оқсил миқдорининг  $56,66 \pm 2,0$ , ТҚНС гуруҳда  $52,18 \pm 1,0$  ( $P < 0,05$ ) ва СҚНС гуруҳида

45,48±1,1(P<0,001) аниқланиб, ССНСли болаларга таққосланганда сезиларли паст аниқланган.

Мочевина ва креатинин ССНС гуруҳида 7,57±0,67 ва 76,75±2,5 ммол/л ТҚНСли болалар гуруҳида 8,05±0,42 ва 81,92±2,0 ммол/л СҚНСли болалар гуруҳида 8,77±0,73 ва 68,02±2,6 ммол/л (P<0,001) аниқланиб, гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқлар кузатилмаган (3-расмга қаранг).



3-расм. Текширилган болаларнинг қон зардоби биокимёвий кўрсаткичлари

Пешобни лаборатор текширувида барча бемор болаларда турли даражадаги олигурия ва протеинурия кузатилган. Коптокчалар филтрация тезлиги; асосий ТҚНС ва СҚНС гуруҳларида 71,6±1,8 ва, 59,7±1,2 мл/дак/1,73м<sup>2</sup> аниқланиб назорат гуруҳи ССНС билан таққосланганда 80,4±1,9 мл/дак/1,73м<sup>2</sup> сезиларли даражада пасайганлиги аниқланган.

Инструментал текширув қорин бўшлиғи аъзоларининг ультратовуш текшируви натижасида ССНС гуруҳи билан таққосланганда, ТҚНС ва СҚНС гуруҳларида қорин бўшлиғи аъзолари: жигар, талоқ ва буйрақлар паренхимасининг чуқур иммунопатологик шикастланишлари сезиларли даражада кўпроқ аниқланган.

Диссертациянинг «Болаларда нефротик синдромда ошқозон-ичак тракти шиллиқ қаватлари ҳолати» деб номланган тўртинчи бобида нефротик синдром билан хастланган болаларнинг гастродуоденоскопик текширув натижалари ҳамда меъда шиллиқ қавати без тузилмасининг функционал ҳолатини баҳолаш маълумотлари келтирилган.

Эзофагогастродуоденоскопия текширувида қизилўнгачдаги ўзгаришлар 65,0% беморларда кузатилган бўлиб, асосан 2- ва 3-гуруҳларда кўпроқ қайд этилди. Эзофагитга хос белгилар 26,9% ҳолатда кузатилиб, 1-гуруҳда 1,5% ҳолатда кузатилган бўлса, 2-гуруҳда 14,3% ва 3-гуруҳда 11,1% ҳолатда кузатилган. Рефлюкс эзофагит белгилари эса 38,1% ҳолатда аниқланди: 1-гуруҳда 2,4%, 2-гуруҳда 19,1%, 3-гуруҳда 16,6%га тўғри келган.

Ошқозон ва 12 бармоқли ичаклардаги ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатдики текширилган нефротик синдромли 126 нафар бемор болаларнинг 103 нафарида (81,7%) ошқозон ичак тракти шиллиқ қаватларида ўзгаришлар аниқланган. Сурункали гастрит: 12,7% да, сурункали гастродуоденит 57,1% да, меъдани эрозив ярали ўзгаришлари 7,9% ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги 4% ҳолатда кузатилиб бу ўзгаришлар асосан глюкокортикостероид дориларни узоқ муддат қабул қилган бемор болаларда яъни 2-3- гуруҳларга тўғри келди (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

#### Нефротик синдром билан хасталанган болаларда ошқозон ва 12 бармоқли ичакнинг эндоскопик текшириш натижалари

Ташхис	ССНС, n=34		ТҚНС, n=54		СҚНС, n=38		Жами, n=126	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Сурункали гастрит	4	11,8	9	16,7	3	7,9	16	12,7
Сурункали гастродуоденит	7	20,6	36	66,7	29	76,3	72	57,1
Меъданинг эрозив ярали ўзгаришлари	0	0	6	11,1	4	10,5	10	7,9
12 бармоқли ичак яра касаллиги	0	0	3	5,6	2	5,3	5	4,0
Жами:	11	8,7	54	42,9	38	30,2	103	81,7

Қон зардобиди пепсиногенларнинг миқдорини ўрганиш меъда шиллиқ қаватининг морфологик ва функционал ҳолатини баҳолашда муҳим ўрин тутди. P<sub>g</sub>I, P<sub>g</sub>II шунингдек P<sub>g</sub>I/II нисбатини таққослаш меъда шиллиқ қаватидаги ўзгаришларни ташхислашда муҳим маълумотларни беради.

Эзафагогастродуоденоскопия текширувида ўзгаришлар аниқланган 103 нафар болалар қон зардобиди лаборатор ИФТ усули ёрдамида P<sub>g</sub>I, P<sub>g</sub>II ва P<sub>g</sub>I/P<sub>g</sub>II нисбати текширилди ва натижалар таҳлил қилинди.

Сурункали гастрит билан хасталанган 16 нафар бемор болаларда ўртача P<sub>g</sub>I 53,5±5,2 мкг/л, P<sub>g</sub>II 30,3±1,7 мкг/л ва P<sub>g</sub>I/II нисбати 1,6±0,06 (P <0,001) аниқланди. ССНСли болаларнинг 4 нафарида ошқозон шиллиқ қаватининг фақат антрал қисмининг юзаки зарарланишлари билан кечадиган, сурункали антрал гастрити кузатилиб, бу беморларда P<sub>g</sub>I миқдори меъёрий кўрсаткичга яқин, яъни 128,8±1,3 мкг/л (P<0,01) қийматда аниқланган бўлса, аксинча P<sub>g</sub>II ҳажми меъёрий кўрсаткичлардан 2 мартагача кўтарилиб, ўртача 41,5±1,0 мкг/л (P<0,001), P<sub>g</sub>I/II нисбати эса 3,1±0,09 (P<0,001) га тенг.

ТҚНС гуруҳидан 9 нафар ва СҚНС гуруҳидан 3 нафар болаларда меъданинг антрал, тана ва фундал қисми шиллиқ қаватларининг гиперпластик ва атрофик яллиғланиши, пангастрит белгилари аниқланган болаларда P<sub>g</sub>I 28,4±0,39 мкг/л, P<sub>g</sub>II ҳажми ўртача 26,5±0,36 мкг/л, P<sub>g</sub>I/II нисбати 1,1±0,02 (P<0,001) қийматларгача камайганлиги аниқланди.

Сурункали гастродуоденит ташхиси қўйилган 72 (57,1%) нафар, ССНСли гуруҳда 7 нафар, ТҚНСли гуруҳда 15 нафар, СҚНСли гуруҳда 12 нафар беморда сурункали гастродуоденитнинг антрал ва тана қисмини

зарарланиши билан кечадиган локал шакли аниқланиб, P<sub>gI</sub> 106,4±1,9 мкг/л (P<0,05), P<sub>gII</sub> 31,9±0,63 мкг/л гача ошганлиги, P<sub>gI/II</sub> нисбати 3,3±0,10 (P<0,001) нисбати аниқланди. 2-гурухдан 21 нафар ва 3-гурухдан 17 нафар беморда сурункали гастродуоденитнинг тарқоқ шакли, ошқозоннинг танантрал қисми ва туби шиллиқ қавати барча қисмларининг яллиғланишида P<sub>gI</sub> 136,1±0,76 мкг/л, P<sub>gII</sub> меъёрий кўрсаткичдан 2 мартадан кўп, ўртача 48,1±0,77 мкг/л, P<sub>gI/II</sub> нисбати эса 2,9±0,05 (P<0,001) гача камайган.


